



Ishonch

Юрт тараққийети йўлида бирлашайлик!

2022 йил
31 май
сешанба
№ 69
(4665)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz

«Ўзбекистон Республикасининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармони қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбари «Адвокатура фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекиди.

Президентнинг «Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий туманларида тадбиркорликни ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори имзоланди.



Президентимизнинг жорий йилнинг 28 майида «Ғаллани етиштириш ва сотишда бозор таъминини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигида Финляндия ташқи ишлар вазирлиги департаменти Бош директори М.Лививала билан учрашув бўлиб ўтди.



«Янги Ўзбекистон – маърифатли жамият сари» шиори остида бошланган «Маънавият фестивали» доирасида Фарғона вилоятига Тошкент шаҳридан илм-фан, маданият, санъат, адабиёт ва бадий ижод вакиллари билан иборат катта бир гуруҳ ташриф буюрди.

Тошкент вилояти Паркент туманидаги Кўёш кўрғониде жойлашган Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Материалшунослик институтида «XXI аср – инновацион ғоялар асри» мавзусида республика илмий ва илмий-техник анжумани ўтказилди.



Бухорода «Ўзбекистонда иммунизация ва вакцинация жараёнлари, миллий профилактик эмлаш тақвими ва бу борада аҳолига ишончли маълумотларни етказиш» мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

Кўқон давлат педагогика институтида «Кўқон адабий муҳити ва учинчи ренессанс» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди.



Пойтахтимизда Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шoirи Эркин Воҳидов ҳаёти ва ижодига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди. Марғилон шаҳрида шoir номи билан аталувчи ижод мактаби ташкил этилганининг 4 йиллиги ҳамда унинг хотирасига бағишланган маъруза адабий пресстур адабий анжумани, ёшлар мушoirиси каби бир қанча бадийий-мушoirифий тадбирларни ўз ичига олди. Хотира тадбири Президент таълим муассасалари агентлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Маданият, Туризм ва маданий мерос вазирликлари ҳамкорлигида ташкил этилди.

Жиззах вилояти

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАРИ ИЖОДИЙ УЮШМАСИ ВА ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ТОМОНИДАН «ЯНГИЛАНАЁТГАН ЖИЗЗАХ ЖУРНАЛИСТЛАР НИГОҲИДА» МАВЗУИДА ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ БЎЙЛАБ ХАЛҚАРО МЕДИА-ТУР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Маъруза медиа-турни кенг миқёсда ёритиб бориш мақсадида юртимиздаги бир қатор телерадиоканаллар ва газета-журналлар, расмий сайтлар мухбирлари, блогерлар жалб қилинган.

Тадбир аввалида элимизнинг суюкли фарзанди, давлат ва жамоат арбоби, атоқли адиб Шароф Рашидов ҳайкали пойига гулчамбар қўйилди.

Шундан сўнг журналист ва блогерлар Зулфия ҳамда Ҳамид Олимжон ҳайкаллари қошида бўлиб, уларга эҳтиром кўрсатишди. Ушбу икки буюк сиймо шарафига бунёд этилиб, фаолият юритаётган музей жамоаси қадрли меҳмонларни хушоҳанг лапарлар, фольклор-этнографик саҳнавий чиқишлар ва халқ хунармандчилигининг нодир намуналарини ўзида жамлаган кўрғазма билан қарши олди. Музейнинг ноёб экспонатлари барчада катта таассурот қолдирди.



ЯНГИЛАНАЁТГАН ЖИЗЗАХ ЖУРНАЛИСТЛАР НИГОҲИДА



Халқаро медиа-тур

Зулфияхоним ва Ҳамид Олимжон ижод мактабидеги учрашувлар ҳам қизгин кечди. Уқувчиларнинг шеърлари барчага бирдек манзур бўлди.

Шундан сўнг иштирокчилар Жиззахда очилган Sambhram технология университети Жиззах филиали фаолияти билан яқиндан танишишди.

Тадбир давомида вилоятдаги фаол журналист ва блогерларга Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзолик билетлари тантанали равишда топширилди.

Иштирокчиларнинг Жиззах вилояти ҳокими Эргаш Салиев билан учрашуви катта таассуротларга бой бўлди.

Медиа-тур бугун Зомин туманининг диққатга сазовор гўшалари бўйлаб давом этади.

Ўз мухбиримиз

Хоразм вилояти

Бандлик ва меҳнат муносабатлари ҳамда қишлоқ хўжалиги вазирликлари эътиборига!

КўЧАТЧИНИ КИМ ЎЙЛАЙДИ?

Биласиз, гуруч деҳқонларнинг машаққатли меҳнати эвазига етиштирилади. Жумладан, шoли кўчатлаб ўтқазилади. Бу амалиёт эса асосан қўлда амалга оширилади.

Шoли кўчатлашда асосан 18-30 ёшдаги аёллар иштирок этади. Бу жараёнда фермер хўжаликлари ва ёлланма ишчилар ўртасида меҳнат шартномалари имзоланмайди. Иш ҳақи нақд пул шаклида, оғзаки келишув асосида тўланади. Натижада шoли кўчатловчи ишчилар учун қулай ва хавфсиз меҳнат шарт-шароитлари яратиш, ижтимоий ҳимоя қилиш ва меҳнат муносабатлари билан боғлиқ бошқа масалаларда камчиликлар юзага келмоқда.

Ваҳоланки, гарчи мавсумий иш бўлса-да, шoли кўчатлаш осон иш эмас. Жазирама иссиқда кунбўйи сувда ишлашнинг ўзи бўлмайди. Ай-

рим қишлоқ ёшлари ўн кунлаб ишда саломадлиги зиён етказиши тиббиёт ходимлари томонидан исботланган. Хусусан, шoли кўчатлаган ёшларда кейинчалик буйрак, гинекологик касалликлар кўп учрамоқда. Шу сабаб ҳам биронта ўзига тўқ оила фарзандлари шoли кўчатлашда қатнашмайди. Асосан, кам таъминланган оилалар вакиллари бир-икки сўм илинжида оғир меҳнатга рози бўляпти.

Президентнинг 2021 йил 2 февралдаги «Шoли етиштиришни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, 2022 йилда шoлининг 40 фоизи кўчатлаб ўтқазилиши

белгиланган. Ҳадемай мавсум бошланади.

Шу ўринда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига саволимиз бор: ёлланма ишчилар билан меҳнат шартномаларини имзолаш, меҳнатни муҳофаза қилиш, уларга қонуний ҳақ тўлаш тартибларини ишлаб чиқиш ва амалга татбиқ қилиш назоратга олинадими?

Қишлоқ хўжалиги вазирлигига саволимиз эса қуйидагича: қачон шoли кўчатлаш юз фоиз механизациялашган тартибда амалга оширилади?

Мухаббат Тўрабоева,
«ISHONCH»



Фарғона вилояти

Оғриқ тишлар...

Фарғона вилояти «Тоза ҳудуд» ДУК Қўқон шаҳар филиали ишчи-ҳодимлари деярли олти ойдан буён маошсиз ишлаб келмоқда. Қўқон шаҳридаги 53 та маҳалладаги 200 мингга яқин аҳолига хизмат кўрсатадиган корхонада меҳнат қилаётган 82 нафар кишининг 32 нафари назоратчилар.



ОЙЛИКСИЗ 6 ОЙ

«Тоза ҳудуд» ДУК Қўқон шаҳар филиали ишчи-ҳодимларининг ҳасрат дафтаридан бир шингил

– Олти ойлик иш ҳақимизни олмаганмиз, – дейди филиал назоратчиси Соҳибжон Якубжонов. – Қарз-ҳавола қилиб яшаб келяпмиз. Узингиз ўйлаб кўринг, шунча пайт ойликсиз ишлаш мумкинми? Бизнинг ҳам оиламиз, бола-чақамиз бор, ахир.

– Апрель ойида 25-30 нафар киши бўлиб, Фарғонадаги раҳбарнинг олдига бордик, – дейди филиалда

назоратчи бўлиб ишлайдиган Ҳошимжон Тошпўлатов. – Иш ҳақимиз тўланмай келаятганини айтдик. Раҳбар эса «ойликларинг тўланмасдан қолмайди, сабр қилинглар», дейишдан нарига ўтмади. Шу пайтгача сабр қилдик, яна қанча сабр қилишимиз керак?

– Ишимиз осон эмас, – дейди Мухаббатхон Жомолова. – Аммо уйма-уй юриб, аҳолидан чиқинди учун пулларни йиғиб келяпмиз. Мана, ўзим март ойида 14 миллион сўмдан ошиқ, апрель ойида 16 миллион сўм пул топширдим. Нега энди меҳнат қилиб, ойлигимизни ололмаймиз? Биз шунга ҳайронмиз.

Ишчиларнинг айтишича, 2018-2021 йилларда ойлик маошлардан ҳеч қандай му-

аммо бўлмаган, байрамлар олдидан ходимлар рағбатлантирилиб келинган. Ҳозир эса...

Мурожаат юзасидан «Тоза ҳудуд» ДУК Қўқон шаҳар филиалида бўлди. Афсуски, бу ерда бирор бир масъулни топа олмадик. Бори ҳам маълумот беришни истамади.

Умид қиламизки, Фарғона вилояти «Тоза ҳудуд» ДУК бошқармаси масъулари бу сафар уларнинг мурожаатига жиддий ёндашади, ходимлари билан тез фурсатларда ҳисоб-китоб қилишади.

Биз эса жараённи кузатишда давом этамиз.

Жамшид ЭРГАШЕВ,
«ISHONCH»

Келгуси сонларда ўқинг...



ЎЗБЕК БЕЛБОҒЛИ КУРАШИ – МИЛЛАТ ИФТИХОРИ

ЖАВОБИНИ КУТАЁТГАН САВОЛЛАР



АВИАЦИЯ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ ПЛЕНУМИ

Унда ташкилий масала кўрилди. Тармоқ касба уюшмаси Республика кенгаши раиси Шавкат Мингалиев пенсияга кетиши муносабати билан ўз хоҳишига кўра эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Масала юзасидан сўзга чиққан Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раисининг ўринбосари Бахтиёр Махмадалиев бугунги кунда авиация тармоғида кўплаб ижобий ўзгаришлар рўй бераётгани, хусусан, аэропортлар замон талабларига мувофиқ равишда реконструкция қилиниб, замонавий ҳаво лайнерлари сони тобора ортиб бораётганига тўхталди, мазкур жараёнларда ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга экани, бунда тармоқ касба уюшмаси Республика кенгаши ва ижтимоий ҳамкорлар ўртасида имзоланган тармоқ келишувлари ҳамда жамоа шартномаларининг аҳамиятини алоҳида таъкидлади.

Ходимлар саломатлигини муҳофаза қилиш, халқаро алоқалар географиясини кенгайтириш ва эришилган бошқа ютуқларда 20 йил давомида тармоқ касба уюшмасига раҳбарлик қилиб келган Шавкат Мингалиевнинг алоҳида хизматларини қайд этди.

Республикада касба уюшмалари ҳаракатини ривожлантириш ва жамиятда тутган ўрни ҳамда нуфузини оширишга қўшиб келаётган муносиб ҳиссаси, Авиация ходимлари касба уюшмасини ташкилий жиҳатдан мустақамлаш, соҳа

ходимларининг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, иш берувчилар билан ижтимоий шерикликни мустақамлаш борасидаги кўп йиллик самарали меҳнати учун Шавкат Мингалиевга Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғалари топширилди.

Сўзга чиққандан келиб чиқиб, Шавкат Мингалиев Авиация ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раиси маслаҳатчиси сифатида фаолият кўрсатиши иштирокчилар томонидан бир овоздан маъқулланди.

Пленумда, шунингдек, Авиация ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раисини сайлаш масаласи ҳам кўриб чиқилиб, соҳада 45 йиллик иш тажрибасига эга бўлган Улуғбек Назиров бир овоздан мазкур лавозимга сайланди.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) билан ҳамкорликда «Прогнозлаш ностандарт банд бўлган ходимлар фаолиятини самарали стратегик режалаштириш ва ташкил этиш воситаси сифатида» мавзуда тренинг ўтказди.



Мамлакат дастури амалда

Касба уюшмаларининг 40 дан ортиқ вакили иштирок этган мазкур тадбирда асосий эътибор норасмий банд бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоялаш ва касба уюшмалари сафига жалб этиш масаласига йўналтирилган ҳаракатлар стратегиясини ишлаб чиқишга қаратилди.

Таъкидланганидек, аҳоли бандлигини таъминлашда мамлакатимиз ва Халқаро меҳнат ташкилоти ўртасида имзоланган, устувор йўналишларидан бири ёшлар, аёллар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояталаб вакиллари учун банд-

лик ва муносиб меҳнат имкониятларини кенгайтириш бўлган «Ўзбекистон Республикасининг 2021-2025 йилларга мўлжалланган Муносиб меҳнат бўйича мамлакат дастури» муҳим ўрин тутди.

Тренингда Халқаро меҳнат ташкилоти «Норасмий бандликдан расмий бандликка ўтиш» лойиҳаси орқали халқаро меҳнат стандартларига мувофиқ бандлик ва ижтимоий ҳимоя соҳасидаги миллий сиёсат доирасида расмий бандликка ўтиш бўйича интеграциялашган инновацион стратегияларни ишлаб чиқишда кўмак кўрсатиши

айтиб ўтилди. Шунингдек, иштирокчилар дунёда ўзгаришлар ва ноаниқликларга дуч келаётган бошқа мамлакатлардаги касба уюшмалари тажрибаси, улар қандай воситалар, усул ва ёндашувлардан фойдаланаётганликлари билан яқиндан танишишди.

Ўзбекистоннинг ностандарт банд бўлган ходимларни бирлаштириш, мавсумий ходимларни касба уюшмаларига жалб этиш борасидаги тажрибаси чет эл касба уюшмалари вакиллари ҳамда халқаро экспертларда алоҳида қизиқиш уйғотди.

Яқинда иштирокчилар гуруҳларга бўлинган ҳолда норасмий банд бўлган ходимлар ва барқарор бўлмаган меҳнат шaroитларидаги ходимларни касба уюшмаларига жалб этиш, бу орқали уларнинг кенг ижтимоий ҳимоясини, меҳнати муҳофазаси ҳамда ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган ҳаракатлар стратегиясини ишлаб чиқдилар.

Мухаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати раҳбари

Тренинг



Ўқув

ЁШЛАР МАЛАКА ОШИРИШДИ

Федерациянинг Малака ошириш институтининг Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши тизимидagi касба уюшма ташкилотлари ёшлар билан ишлаш комиссиялари раисларининг ўқуви бўлиб ўтди.

«Касба уюшмалари тизимида ёшлар сиёсати самарадорлигини оширишда ёшлар билан ишлаш комиссиялари фаолиятининг ўрни ва истижобли» мавзусидаги тадбирда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ҳақида сўз юритилди. Ёшлар учун яратилган имтиёз ва имкониятлар борасида маълумот берилди.

Бир ҳафталик ўқувда иштирокчилар бир қатор мавзуларда маърузалар тинглашди. Касба уюшмаси фаолиятига доир назарий билимларини семинар-тренингларда яна бир бор мустақамлашди. Ўқув сўнггида ўтилган мавзулар юзасидан яқуний тест синовларидан ўтиб, сертификатларга эга бўлишди.

Шавкат ТОИРОВ,
Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси



Тошкент вилояти

Айни кезлар юрти-мизда «Аёллар дафтари»га киритилган эҳти-ёжманд хотин-қизларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида кооперация усулидаги тадбиркорлик фаолияти йўлга қўйилмоқда. Бу борада Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманида ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.



Фарғона вилояти

Нозимахон Турсунова Бувайда туманининг «Хўжабод» маҳалласида яшайди. Тақдир тақозоси билан оиланинг барча ташвишлари унинг гарданига тушди. Чунки турмуш ўртоғи II гуруҳ ногирони, уч нафар фарзанди эса ҳали вояга етмаган. Боз устига, муқим иш жойи йўқ.

Рўзғорига барака кираётган оилалар

Уқўлидан тикиш-бичиш келса-да, рўзғоридан орттириб, тикув машинаси ололмаётган эди. Шу босиб бу борада амалий кўмак сўраб, тегишли ташкилотларга хат йўллади. Унинг илтимоси Ўзбекистон касба уюшмалари

Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши томонидан ўрганиб чиқилди. Унга тикув машинаси топширилиб, иш юритиш бўйича зарур тавсиялар берилди.
– Мурожатим ижобий ҳал этилганидан беҳад хурсандман, – дейди Нозимахон Тур-

сунова. – Энди тикувчилик билан шуғулланиб, рўзғоримни бутлашга ҳаракат қиламан.

Туманининг «Тепалик» МФЙда яшовчи Ўғиллой Турсунова фермер хўжалигида ишлайди. Турмуш ўртоғи эса мардикорлик қилади. Бирок иккисининг топгани кўпинча кундалик эҳтиёжларини қоплашга етмайди. Шунинг учун ҳам Ўғиллой чеварлик билан шуғулланишни анчадан буён дилига тугиб юрганди. Фурсати етгач, касба уюшмаларига мурожаат қилди. Унинг аризаси инобатга олиниб, тикув машинаси берилди.

Бувайдада қўшимча даромад орттириш имконини қўлга киритаётган бундай оилалар сони тобора кўпаймоқда.

Жамшид ЭРГАШЕВ,
«ISHONCH»

Ишчи гуруҳ фаолияти

Оҳангаронлик аёллар ИЖТИМОЙ ҲИМОЯДА

Яқинда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши қошидаги Жисмоний тарбия ва спорт соғломлаштириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Салоҳиддин Бўтаев ва Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Оҳангарон тумани кенгаши раиси Гулбаҳор Салимова бошчилигидаги гуруҳ маҳаллаларда аҳоли бандлигини, оилаларнинг даромад манбалари ва томорқалардан фойда-

ланиш қай даражада эканини жойларга чиқиб ўрганди. Шу жараёнда аниқланишича, ҳудудда яшовчи хотин-қизлардан 2384 нафари «Аёллар дафтари»га киритилган. Уларни доимий иш билан таъминлаш учун банк кредитлари ҳисобидан 3,4 миллиард, ўз маблағлари ҳисобидан 3,5 миллиард, жами 6,9 миллиард сўмлик учта лойиҳа шакллантирилган. Чунончи, қалампир етиштириш учун «DRY GARDEN TOMORQA XIZMATI» МЧЖга Халқ банкнинг Оҳангарон филиали томонидан 2 миллиард сўм миқдорда кредит ажратилган. «Гуллобод», «Ёнарик» ва «Телов» маҳаллаларида яшовчи оилалардан 500 таси, жумладан, 410 нафар хотин-қиз иш билан таъминланган. Ижтимоий дафтардан ўрин олган барча аёллар томорқалари кооперацияга бириктирилган.

Ушбу корхона раҳбарияти «Гуллобод» МФЙдаги хонадонларда қалампир кўчатлари етиштириш учун 20 та иссиқхона қуришни режалаштирган эди. Бугунга қадар улардан 16 таси фойдаланишга топширилди. Ҳозир ушбу иссиқхоналарда Ҳиндистондан келтирилган 100 килограмм уруғдан ундирилган қалампир кўчатлари парвартирилмоқда. Худди шунақа иссиқхоналар барпо этиш учун яна 270 дан ортиқ оила билан шартнома тузилган.

Умуман олганда эса келгусида аччиқ қалампир етиштиришни кооперация асосида ташкиллаштириш учун 718 та хонадондан иборат 6 та

маҳаллага жами 1,5 миллиард сўм ажратилади. Йиғиштириб олинган ҳосил экспортга йўналтирилади.

Эндиликда «Гўшсой» маҳалла фуқаролар йиғинидаги хонадонларда эчки боқиш ҳам йўлга қўйилмоқда. Шунга қўра, «Фахри чорва замин» МЧЖга «Агробанк»нинг Оҳангарон филиали томонидан 1,4 миллиард сўмлик кредит ажратилиши, 100 дан ортиқ оила аъзолари иш билан таъминланиши назарда тутилмоқда.

«Ёнарик» МФЙда эса кўйчиликни ривожлантириш учун «Ақчасой» фермер хўжалигига 500 миллион сўм миқдорда кредит берилди. Натижада 50 та хонадон эгаларининг бандлиги таъминланади. Айни мақсадда ҳозирга қадар Бошқирдистондан 370 бош насли Меринос кўйлари олиб келинди.

Бундан ташқари, ижтимоий ҳимояга муҳтож аёлларга моддий ёрдам кўрсатилди. Шунинг баробарида 28 нафар касалманд хотин-қизда турли жарроҳлик операциялари ўтказилди. 200 нафарга яқин опа-сингилларимизни эса тарихий шаҳарларга саёҳатга олиб бориш режалаштирилган.

Туманда ижтимоий ҳимояга олинган аҳолини иш билан таъминлаш, ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиш чора-тадбирлари изчил давом эттирилмоқда.

Умидда ХУДОЙБЕРГАНОВА,
«ISHONCH»



ТААССУРОТЛАР БИР ОЛАМ

Миллий гвардия Кўриқлаш бош бошқармаси ходимлари бирлашган касба уюшма кўмитаси томонидан кўриқлаш хизмати ходимлари учун кўҳна Самарқанд шахрига саёҳат уюштирилди.
– Самарқандга биринчи бор келишим, – дейди Давлат муассасаларини кўриқлаш бош-

қармаси ходими А.Чокиев. – Касба уюшма кўмитасининг саъй-ҳаракати билан амалга оширилган ушбу саёҳат айни муддао бўлди. Регистон майдони, Улуғбек расадхонаси, Ҳазрати Довуд зиёратгоҳи менда катта таассурот қолдирди.
Бу каби тадбирлар, шубҳасиз, ходимлар-

нинг хизмат самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Акмал ТИЛЯВОВ,
Миллий гвардия Кўриқлаш бош бошқармаси ходимлари бирлашган касба уюшма кўмитаси бош мутахассиси

Саёҳат

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ ЛОЛА МУРОДОВА

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги оғир жудоликка учради.

Машҳур фермер, Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманидаги «Нурли обод» фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, таниқли жамоат арбоби Лола Муродова оғир касалликдан сўнг шу йил 30 май куни 64 ёшида вафот этди.

Бутун мамлакатимизнинг ғурур ва ифтихори бўлган Лола Муродова 1958 йил 9 мартда Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманида туғилди. Ўрта мактабни тугатганидан сўнг меҳнат фаолиятини Олтиариқ туманидаги «Нуробод» жамоа хўжалигида механизатор сифатида бошлади, ўз ҳаётини мамлакатимиз иқтисодийнинг етакчи тармоғи бўлган қишлоқ хўжалиги билан боғлади.

Ёшлик йилларидан бошлаб деҳқончилик илмини пухта ўрганган Л.Муродова жамоа хўжалигида бош пудратчи, бўлим бошлиғи, хўжалик раиси каби лавозимларда фидокорона меҳнат қилиб, ишни ташкил этиш, мўл ҳосил этиштириш, хўжаликни самарали бошқариш соҳасида катта тажриба орттирди.

Фермерлик ҳаракатига кенг йўл очилиши билан моҳир ва миришкор деҳқон мамлакатимизда биринчилардан бўлиб «Нурли обод» фермер хўжалигига асос солди ҳамда ернинг ҳақиқий эгаси сифатида юртимизда фермерлик ҳаракатини ривожлантириш ва уни янги босқичга кўтаришга катта ҳисса қўшди.

Ўз фаолиятида доимо янгиликка интилиб, эзгу ташаббуслари билан барча фермерларга, айниқса, ёшларга ибрат бўлиб яшаган Л.Муродова Янги Ўзбекистон шариатида алоҳида жонбозлик ва ғайрат-шижоат кўрсатиб ишлади. Қишлоқ хўжалиги соҳасида илғор агротехнологияларни, бошқаруving замонавий усуллари ва самарали воситаларини қўллаш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ёш фермерлар авлодини тарбиялашда ўзига хос тажриба мактабини яратди.

У ўз фаолияти билан Ватанга муҳаббат ва садоқат-



нинг, касбига фидойиликнинг ҳақиқий намунасини намойён этди. Айнан ана шундай олижаноб фазилатлари билан Лолахон опа бутун халқимиз учун ўзбек аёлининг ҳақиқий тимсолига айланди.

Эл-юрт ишига умрини бағишлаган қаҳрамон фермер жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этди. Унинг бу борадаги серқирра фаолияти ёшларни, хотин-қизларни замонавий касб-хунарларга ўргатиш, уларни иш билан таъминлаш, ҳаётда ўз ўрнини топишида яқиндан кўмак бериш, эҳтиёжман оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қишлоқ ва маҳалларни обод этиш, аҳоли турмуш шароитини яхшилашга қаратилган эзгу ишларида яқол намойён бўлди.

Л.Муродова халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгаши депутати, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси сифатида ҳам самарали иш олиб бориб, мамлакатимиз ҳудудларини ривожлантириш, амалга оширилаётган ислохотларни жадаллаштириш бўйича муҳим қарорлар қабул қилишда ҳам фаоллик кўрсатди.

Лолахон Муродованинг мамлакатимиз ва халқимиз олдидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими» фахрий унвони, «Эл-юрт хурмати», «Фидокорона хизматлари учун» орденлари ҳамда «Ўзбекистон Қаҳрамони» олий унвони билан мукофотланган эди.

Атоқли фермер, қишлоқ хўжалиги илмининг етук намояндаси, таниқли жамоат арбоби, ёшларнинг меҳрибон устози, камтарин ва самимий инсон, халқимизнинг фидойи фарзанди Лолахон Муродованинг ўрқин хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

**Ш.МИРЗИЁЕВ, Т.НОРБОЕВА, Н.ИСМОИЛОВ,
А.АРИПОВ, Ш.ФАНИЕВ, Х.БОЗОРОВ, А.ҲАЙИТОВ**



Наманган вилояти

АУТСОРСИНГ ХИЗМАТИ ЎЗИНИ ОҚЛАЯПТИМИ?

Шу йилнинг бошидан Наманган вилояти мактабгача таълим бошқармаси тасаруфидаги 97 та муассасада болаларни соғлом овқатлантириш мақсадида аутсорсинг тизими жорий этилган эди. Мактабгача таълим вазирлиги танлов комиссияси томонидан ўтказилган тендерда 29 нафар тадбиркор қатнашган. Шундан етти нафари ғолиб бўлиб, ҳозирги кунда вилоятдаги мактабгача таълим ташкилотларига аутсорсинг хизматини кўрсатиб келмоқда.

Аммо мазкур тизим ҳали тўлиқ ишга тушиб кетмасидан ҳам тўсиқларга учрамоқда. Яна ҳам аниқроқ айтганда, бугун аутсорсинг тизимига асосан боғча мудирлари қарши чиқмоқда.

Хўш, уларнинг муддаоси нима? Нега улар бу тизимни унчалик хушламаётми?

Келинг, даслаб шу саволларга жавоб изласак. Маълумки, шу вақтгача боғчанинг озик-овқат таъминоти мудирлар қўлида бўлган. Назаримизда, бунга асосий сабаб таъминот масаласининг бошқа қўлларга ўтиб кетаётганида. Ростан ҳам, у ҳам бой берилса, мудирларнинг «тирикчилиги» нима бўлади? Шу боис «ўзим хон – кўланкам майдон» қабилда иш тутиб, бозордан олган уч сўмлик майда картошкани олти сўмлик қилиб, чандир ва суюкли гўштни лаҳм гўшт деб ёзиб, фалон пулдан олинган, деб қоғозга тиркаб, тежалган пулга «ялтираб» юрадиган айрим боғча мудирларига бу тизим мутлақо ёқмайпти.

Ҳар ҳолда, яқинда вилоятда мазкур соҳа доирасида ўтказилган брифингдаги ҳолат сабаб шундай хулосага келдик.

Аввалгиларидан фарқли ўлароқ, бироз асабий ўтган ушбу йиғилишда икки кутб, яъни аутсорсинг хизмати кўрсатувчи тадбиркорлар ҳамда илгари бу хизмат ўз қўлида бўлган боғча мудирларининг бир-бирига қаршиликдан зал жумбушга келди.

Мутасаддилар «Журналистлар олдида муаммо чиқарманглар», дея йиғилиш аввалида юмшоққина койиб қўйишига қарамай, мудирлар бўш келмади.

Аммо «пичоги мой устида» бўлиши кутлаётган аутсорсингчиларнинг ҳам ҳасратидан ўт чиқди. Уларнинг айтишича, боғчаларга етказиб берилган маҳсулотларга ўз вақтида пул ўтказилмаётгани учун яхшигина камомад юзага келган. Бу ҳолат бот-бот такрорлангани сабаб таъминотчининг чўнтагида хемири ҳам қолмай, зарарига ишлаётган эмиш. Шунинг учун ҳам бугун Намангандаги 11 та мактабгача таълим муассасасига

(йиғилишда буни аутсорсернинг ўзи алоҳида таъкидлаб ўтди. Аммо маълумотда у ўртта боғчага хизмат кўрсатиши ёзилган!) аутсорсерлик қилаётган «Bоlajon Noza servis savdo» МЧЖ боғчаларга арзон маҳсулотлар олиб боришга мажбур бўлаётган экан.

Айниқса, ўша таъминотчимиз бозордан олган «сал бундайроқ» маҳсулотини еб, ичбурғу бўлиб, касалхонага тушган болакайнинг отаси эса ўша йиғилишга бориб, бўлган воқеани ҳаммининг олдида айтиб, таъминотчини судга бериш учун ҳужжатлар тўплаётганини очиқлагани қизиқ турган ўтга керосин сепгандек бўлди! Афсус, болаларни сифатли овқатлантириш учун бошланган ушбу аутсорсинг хизмати ҳам бу кетишда ўзини оқламайди-ёв...


Энг ажаблანарлиси, «Бугун аутсорсер томонидан боғчангизга олиб келаётган маҳсулотларни ўз фарзандларингизга едир оласизми?» деган мудирларга савол берилганда, аксарияти «асло, йўқ!» деган жавобни беришди. Бунга эса таъминотчи «маблағим шунга етади, ёнимдан тўламайман-ку», деган акс жавобни айтди.

Хуллас, ишлар ҳозирданок бундай тус оладиган бўлса, эзгу мақсадда ташкил этилган тизим ҳам кўпга бормаслиги аниқ. Чунки ҳамма муаммо маблағга бориб тақалмоқда.

Дарвоқе, аутсорсинг тизими бўйича яна бир мулоҳаза: бракераж комиссияси, яъни боғчага олиб келинаётган озик-овқатнинг яроқчилигини текширувчи комиссия назоратчиси ўша аутсорсернинг ўзи экан. Демак, ўша аутсорсер ҳам боғчаларга арзонгаров озик-овқат тарқатмаслигига ҳеч қандай қафолат йўқ! Борди-ю, мудира билан аутсорсер тил бириктирадиган бўлса борми, вазият баттар чиғаллаша-чиғаллашадики, асло ўнганмайди.

Юқоридаги саволлар шу тизимда ишловчи раҳбарларни бефарқ қолдирмаслиги ва ўз вақтида қонуний ҳеч тилишига умид қиламиз.

**ОРЗУГУЛ РУСТАМОВА,
«ISHONCH»**



Самарқанд вилояти

Халқ билан мулоқот



Инсон қадрини улуғлаб...

Президентнинг Халқ қабулхонаси ўтган йиллар мобайнида аҳоли муаммоларини ҳал этиш имконини берувчи давлат ҳокимияти ва бошқаруви, хўжалик бошқаруви органлари билан фуқаролар ўртасидаги ҳамкорликнинг самарали механизмига айланди.



Хусусан, Президентнинг Самарқанд туманидаги Халқ қабулхонаси ҳам жамиятнинг долзарб муаммоларини ҳал этишда аҳолига яқиндан кўмак бермоқда. Қабулхонага 2022 йилнинг 1 майига қадар жисмоний ва юридик шахслардан жами 385 та мурожаат келиб тушган. Ушбу масалаларнинг 296 таси тумандаги ташкилотларга ижро учун, 87 таси эса вилоят Халқ қабулхонаси орқали юқори ташкилотларга кўриб чиқиш учун юборилган. Мурожаатларнинг 299 таси қаноатлантирилган, шундан 199 таси ижобий ечим топган, 100 таси ҳуқуқий маслаҳат ва маълумот бериш орқали ҳал этилган, 23 та мурожаат бўйича муаллифларга ёзма тушунтиришлар берилган, 1 таси рад этилган, 58 таси эса ҳозирча ўрганиш жараёнида.

Халқ қабулхонасига келиб тушган мурожаатларнинг аксарияти ишга жойлашиш, соғлиқни сақлаш, бола пулини тайинлаш, уй-жой, коммунал хизматлар сифатини яхшилаш масалалари, электр энергия таъминоти, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолияти юзасидан келиб тушмоқда.

Ҳар бир мурожаат ортида инсон ҳаёти ва қадр, ҳуқуқий манфаатлари ётганига алоҳида эътибор қаратган ҳолда масалаларнинг туб моҳиятига етиб бориш, тугал ва аниқ ечимини топиш учун туман ҳокимлиги қошида махсус штаб ташкил этилиб, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳамда коммунал ва бошқа соҳа мутасаддиларидан таркиб топган махсус ишчи гуруҳ шакллантирилган. Худуд муаммоларини бартараф этишда Халқ депутатлари Самарқанд тумани кенгаши депутатлари ҳам жонбозлик кўрсатиб келмоқда.

Шу йилнинг 26 апрель кунини аҳолидан келиб тушган мурожаатларга асосан Президентнинг Самарқанд туманидаги Халқ қабулхонаси туманининг 1-сектор ҳудудидаги «Ўрта оҳалик» ва 3-сектор ҳудудидаги «Дўстлик» маҳаллаларида ўрганиш олиб бориб, «Ўрта оҳалик» маҳалласида жойлашган 18-умумий ўрта таълим мактабининг янги қурилган бино аҳоли, жиҳозлари ва ичимлик суви таъминотидаги айрим муаммолар ва маҳаллада жойлашган трансформаторни изоляция қилиш, атрофини чегаралаш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди. Камчиликлар қисқа вақт ичида штаб аъзолари томонидан бартараф этилди.

Тумanning «Дўстлик» маҳалласидаги ҚВП ҳолати ҳамда янги ўрнатилган аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш контейнерлари кўздан кечирилди, шифокорлар билан суҳбат ўтказилиб, уларни қийнаб келаётган муаммолар тингланди. Халқ қабулхонаси томонидан доимий равишда олиб борилган мониторинглар ҳамда

туман аҳолисидан келиб тушган жамоавий мурожаатларга асосан сектор раҳбари бошчилигида «Ширинобод» («Наврўз», «Илонсой») ва 1-сектор ҳудудидаги «Янгижой» («Янгибоғ») маҳаллаларида ўрганишлар олиб борилди. Натижада «Ширинобод» маҳалласида жойлашган 19-умумий ўрта таълим мактаби филиали биноси, мактабга олиб борувчи йўллар, «Ширинобод» ва «Янгижой» маҳалла аҳолиси учун ўрнатилган кўчма тиббий хизмат кўрсатиш маркази, «Илонсой» маҳалласида ичимлик суви таъминоти, 38-мактабгача таълим ташкилотидagi камчиликлар, тунги ёриткичлар, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришдаги муаммолар аниқланган эди. Ушбу камчиликлар қисқа муддатда бартараф этилди.

**Илҳом МУРОДОВ,
Президентнинг Самарқанд туманидаги Халқ қабулхонаси мудир**

Тутаётган умрлар

Таассуф

Шифохона эшиги ёнида бир аёл ўқиб-ўқиб йиғларди. Негадир тўхтаб қолдим: балки ёрдиман тегар, ҳеч бўлмаса, тасалли берарман?..

Аёлнинг ҳасрати бир олам эди. Турмуш ўртоғи шу ерда даволанаётган экан. Ташхис жуда оғир – қизилўнча саратони. Ҳозиргина шифокорлар у сўнги кунларини яшаётганини айтишибди. Бу хабарни кўтаролмаган аёл дарвозадан чиқибди-ю, қаёққа борарини билмай, йиғлаб ўтирган экан.



– Ҳаммасига кашандалик сабаб, мана шу сабаб, – дея аёл яна йиғлай бошлади... Беихтиёр унинг қўлига қарадим: тамаки. У ҳам чекаётганди...

– Шунчаки сиқилишдан, – деди аёл дилимдаги саволни тушунгандай, – ўрганиб қолганман. Биз ҳаммамиз чекамиз. Ўғлим ҳам, қизим ҳам...

Бу ҳолат, менимча, жамиятдаги кашандалик билан боғлиқ барча жиҳатларни очиб бера олади. Шундай. Саломатлик учун ўта хавфли экани аллақачон исботлангани ва хавфлиги бот-бот таъкидланаётганига қарамай, жамият ҳамон кашандалик иллатидан воз кечолмапти. Мана исботи: айни пайтда жаҳонда 2 миллиард нафардан ошқ кашанда бор.



Халқаро тамаки етиштирувчилар уюшмаси маълумотларига кўра, дунёнинг 125 давлатида 4 миллион гектар ерга тамаки экилади. Бу сайёрамиздаги экин майдонларининг 1 фоизидир.

ЖССТнинг қайд этишича, бир йилда дунё бўйлаб 5,5 триллион дона тамаки ишлаб чиқарилади. Ҳисоб-китобларга кўра, бир кеча-кундузда сайёрамиз бўйлаб 15 миллиард дона сигарет сотиб олинади. Бунинг учун кунига ўртача 1,3 миллиард АҚШ доллари сарфланади.

Гап шундаки, дунё кашандаларининг ёши тобора «ёшариб» бормоқда. Ривожланган давлатларда 18 ёшдан, ривожланаётган мамлакатларда 15, қолоқ давлатларда эса ҳатто 13 ёшдан чекишга ружу қўйиш авжида. Кашандалар сафига ҳар йили 80-100 минг нафар воёга етмаганлар қўшилиди. Уларнинг ҳар ўн тасидан 8 таси келажакда бу иллатдан қутулмаётгани инобатга олинса, мазкур хавф тобора глобал аҳамият касб этаётганини кўриш мумкин.

Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳар сонияда (10 йил аввал бу кўрсаткич 12 сонияга тенг бўлган) бир киши, 1 йилда эса 6,4 миллион киши кашандалик оқибатида орттирилган касаллик туфайли вафот этмоқда.

... Бугун тамаки чекаётган кишини кўрсам, кўз олдимга касалхона олдидаги ўқиб-ўқиб йиғлаётган аёл келади. Қўлида эса сигарета – тутаётган умр...

**Шаҳло АБДУРАҲМОНОВА,
«ISHONCH»**

СПОРТ БИЛАН ЮКСАК ҒАЛАБАЛАР САРИ

«Артел» компанияси ёш авлодни қўллаб-қувватлашни анъанага айлантirmoқда

Шу йилнинг 12-15 май кунлари Санкт-Петербург шаҳрида мини-футбол бўйича Мехрибонлик уйлари жамоалари ўртасида ўтказилган XVII халқаро турнирда юртимиз терма жамоаси ғолибликни қўлга киритган эди.

Улар ўз жамоаларини «Ўзбекистон» деб номлаган. Мураббийлар Абдулазиз Маннопов, Темир Машарипов тайёрлаган таркибда Чирчиқ шаҳридаги 14-Мехрибонлик уйдан Жавоҳир Аъзамов, Тошкент шаҳридаги 21-Мехрибонлик уйдан Шоҳрух Бегматов, Сарварбек Фок ва Александр Кононенко ҳамда Арслан Дмитрев, Комронбек Пардаев, Рим Клевентов, Муҳаммадсодиқ Холдоров ва 22-Мехрибонлик уйдан Дийёр Данаевлар иштирок этган эди.

«Артел» компанияси интилувчан ва тиришқоқ чемпионларнинг ғалабасидан хабар топиб, йигитларни қўллаб-қувватлаш ва янги марраларни забт этишга рағбатлантириш мақсадида улар билан ўр-

тоқлик учрашуви ўтказишни таклиф қилди. Ўзбек футболнинг бўлажак юлдузлари «Артел» ходимлари билан 2 та бўлимдан иборат учрашув ўтказишди.

Ўртоқлик учрашуви 7-4 ҳисобида Мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари ғалабаси билан якунланди.

Учрашув сўнггида компания раҳбарияти терма жамоа ва уларнинг мураббийларига миннатдорлик билдириб, совғалар топширди.

– Компаниямиз келажакда бу ёшларнинг янада ёрқин ғалабаларини кўришдан умидвор ва уларнинг профессионал ривожланишини доимий тарзда кузатиб боради, – дейди «Артел» компанияси бошқарув раиси ўринбосари Элдор Аҳадов.



Дийёра РАВШАНОВА, «ISHONCH»



Кутлов

Мулоҳаза

Эрта тонгда онамнинг дуосини олиб, ўзим ўқийдиган университетга йўл олдим. Ўқишга етиб келганимда, курсдошларим қизгин гурунглашаётганди. Айримлари кечаги тўй таассуротлари, баъзилари шахсий муаммолари ҳақида гапирарди. Мен улар билан сўрашдим, индамайгина сўхбатларига қулоқ тутдим.

ФАРЗАНДЛИК БУРЧНИ УНУТМАЙЛИК

Бир маҳал яқин дугонамнинг гапи эйтиборимни тортиди. У оиласидаги муҳитдан қониқмаётганидан нолий бошлади. Аниқроғи, ота-онаси унинг хоҳиш-истаги билан қизиқмаётган, «Iphone 13» телефони олиб бермаётган экан. Дугонам, айниқса, отаси ҳақида шу қадар нафрат билан гапирдики, бу мен учун кутилмаган ҳолат бўлди. Бехитиёр «Наҳотки, фарзанднинг отага меҳр-муҳаббати қандайдир буюм-нарсга ёки кийим-кечак билан ўлчанса?» дея ўйга толдим.

Холбуки, фарзандини вояга етказиш учун ота-она куну тун тинмай меҳнат қилади, қанчадан-қанча азият чекади. Шундай экан, қандайдир матоҳни олиб бермагани ёки олиб беролмагани учун отасини ёмонотлик қилиш инсофданми? Бу ноқўрлик ва ношуқурлик эмасми? Қолаверса, ўша дугонам сафимизда турли сабабларга кўра ота меҳридан мосуво бўлганлар, уни узоқдан бўлса-да, лоқал бир марта кўриш илинжида армон билан яшаётганлар ҳам борлигини билмайдими? Билса, нега бегоналар даврасида унинг шаънига ёмон гаплар айтади?..

Бунисини билмадим. Аммо тенгқурларимдан бир илтимосим шуки, сизу биздан меҳрини дариғ тутмайдиган, фарзандларини тарбиялаб, вояга етказиш йўлида чеккан заҳматлари эвазига ҳеч нарса талаб қилмайдиган ота-оналаримиз ва яқинларимиз борлигига шукур қилайлик. Уларнинг ҳурматини доимо жойига қўйиб, қадрига етайлик! Энг муҳими, фарзандлик бурчини зинҳор-базинҳор унутмайлик!

Мадинабону ҲАЙИТОВА,
Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети талабаси

Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши

Мамлакатимиз халқ хўжалигининг етакчи тармоқларидан бири бўлган тизим ходимлари ва ҳамкасбларни касб байрами – **КИМЁГАРЛАР КУНИ** билан самимий табриқлайди.

Корхоналар жамоаларига мустақкам соғлиқ, келажакка ишонч ва беллиланган режаларга эришишда интилувчанлик тилайди.



Гугурт билан ўйнаётган болага «бу ёнгин келтириб чиқаради» десангиз, у ёнгининг қандай содир бўлишига қизиқиш қолади. Агарда ушбу ҳолат расмлар ёки ви-

деотасвирлар орқали кўрсатиб берилса, бу ҳеч қачон унинг ёдидан чиқмайди.

Ёш авлоднинг ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишида уларга яратилган шароит ва қулайликлар қатори оладиган кўникмалари ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шу боис ҳам биз, катталар ҳамisha фарзандларимизга ёнгиндан эҳтиёт бўлиш кераклигини уқтиришимиз, гугурт, электр маийши-асбоблар ва газ жиҳозларининг



МУТОЛААНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Санатор-курортлар бошқармаси тизимидаги санаторийларнинг кутубхона ходимлари бир неча йилдан буён Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан ўтказиб келинаётган «Central Asia: Фан, таълим, маданият ва бизнесда интернет ва ахборот-кутубхона ресурслари» мавзусидаги халқаро конференцияда фаол иштирок этиб келмоқда.

Ушбу нуфузли тадбирнинг бу галгиси Андижон шаҳрида офлайн ва онлайн шаклда ташкил этилди. 400 нафарга яқин маҳаллий ҳамда 30 нафардан зиёд хорижий соҳа вакиллари иштирок этган тадбирда «Ботаника», «Чимён», «Чортоқ» ҳамда «Косонсой» санаторийлари кутубхоначилари ҳам қатнашди.

Анжуман доирасида семинар-тренинг, маҳорат дарслари ҳамда водий бўйлаб саёҳат уюштирилди. Марҳамат тумани

ахборот-кутубхона марказидаги шўба йигилишида маърузалар тингланди. Унда Санатор-курортлар бошқармасининг маънавий-маърифий ишлар бўйича бош мутахассиси Маҳмуда Мурзаева «Мутолаанинг жамият тараққиётидаги ўрни» мавзусида маъруза қилди.

Конференцияда барча иштирокчилар бир олам таассурот ва маънавий озуқа олишганини қайта-қайта таъкидлашди.

Севара ЭШОНҚУЛОВА

ТИББИЁТГА СПОРТ ТАРҒИБОТЧИСИ ШАРТ ЭМАС(МИ?)

Сирдарё вилояти | Ажабо

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 30 октябрдаги «Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида «Давлат органлари ва ташкилотларнинг касаба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасидаги жамоа шартномаларида иш кунини давомидида ишлаб чиқариш гимнастикаси машқларини ташкил этиш, 2021 йил 1 январдан бошлаб, соғлом турмуш тарзи ва оммавий спортни ривожлантириш мақсадида меҳнат жамоаларида фаолият юритаётган ходимга «Спорт тарғиботчиси» қўшимча вазифасини юклав ва унинг базавий маошига 20 фоиз устам белгилаш» назарда тутилган.

Утган йили айрим ташкилотлар, жумладан, таълим йўналишидаги муассасаларда фармон ижроси таъминланиб, бошланғич касаба уюшма раисларига спорт тарғиботчиси вазифаси юклатилди ва устамалар белгиланди.

Аммо бу узоққа чўзилмади. Айни пайтда молиявий баҳоналар билан бу иш тўхтатилган.

– Тиббиёт ходимлари спорт билан мунтазам шуғулланишни доим айтиб келса-да, бунга ўзлари амал қилмайди, – дейди Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Сирдарё вилояти кенгаши раиси Раъно Абдалимова. – Буни улар соҳада ёши катталар кўплиги ёки вақт йўқлиги билан изохлашади. Фармон имзоланганида жуда ҳурсанд бўлган эдик. Афсуски, вилоятимиздаги бирорта тиббий муассасада бу жорий этилмади...

Озода МАМАДАЛИЕВА, «ISHONCH»

Эҳтиёт – шарт!

Тарбиянинг таъсири катта

деотасвирлар орқали кўрсатиб берилса, бу ҳеч қачон унинг ёдидан чиқмайди.

Ёш авлоднинг ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишида уларга яратилган шароит ва қулайликлар қатори оладиган кўникмалари ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шу боис ҳам биз, катталар ҳамisha фарзандларимизга ёнгиндан эҳтиёт бўлиш кераклигини уқтиришимиз, гугурт, электр маийши-асбоблар ва газ жиҳозларининг

ўйинчоқ эмаслигини тушунириб боришимиз шарт.

Бу жараёнда оила, маҳалла, таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ҳам ниятда муҳимдир.

Фақат ёнгин хавфсизлигига қатъий риоя этилгани энг катта бахтсизлик – ёнгин балосининг олдини олиш мумкин.

С.САИДАКБАРОВ

Президент Администрацияси Биносида ЁХТТЭ 1-бўлимиси ЁН ва ПБ мутахассиси

Эълонлар
Тошкент шаҳар, Юнусов туманидаги 253-сонли (Хамза Умаров номидаги) умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1994 йилда Ахмедов Рустам Азимович номига берилган А № 528424 (рўйхат рақами 29) рақамли 9-синфини битирганлиги тўғрисидаги шаходатнома йўқлигини сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар, Яқсабой туманидаги 160-сонли айрим фанлар чуқур ўргатиладиган ихтисослаштирилган мактаб томонидан Толибжонов Абдулфаттоҳ Мўйдинжон ўғли номига берилган UM № 1169012 (рўйхат рақами 92) рақамли шаходатнома йўқлигини сабабли бекор қилинади.

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5008
2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalari taхрир хайъати:

Кудратилла РАФИҚОВ (тахрир хайъати раиси),
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Кутлимурот СОБИРОВ,
Сухроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Мехридин ШУКУРОВ (Маъсул котиб – «Ishonch»),
Валентина МАРЦЕНЯК (Маъсул котиб – «Ishonch-Doverie»)

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz
сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишнинг мумкин.

Ҳудудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти – (+998-91) 406-43-24
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилми шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтан назаридан фарқлиниши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
Ж. Наҳанов
Мусабаҳчи:
У. Худойберганова
Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – 00:20
Топширилди – 00:40
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Буюртма V- 5172 34287 нусхада босилди. Нашр қўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5 6
Баҳоси келишилган нархда
Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи босмохонасида чоп этилди.
Корхона манзили:
Алишер Навоий кўчаси 30-уй.
Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank»
Яшнобод филиали,
Банк коди: 00959,
СТПР: 201133889,
ОКЭД: 58130